

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 938,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11025 кишига ёки 0,12 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-сентябрда куйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2015 й.	2016 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2015 й.	2016 й. ¹⁾
Туғилганлар	15159	15516	357	22,1	22,2
Ўлганлар	2977	3135	158	4,3	4,5
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	141	135	-6	9,2	8,8
Табиий ўсиш	12182	12381	199	17,7	17,7
Никоҳлар	6531	6261	-270	9,5	9,0
Ажралишлар	815	749	-66	1,2	1,1

Туғилиш даражаси. 2016 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 15516 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (15159 киши) нисбатан 357 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,2 промиллени ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (22,1 промилле) нисбатан 0,1 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Кармана (24,4 дан 23,2 промиллега), Нурота(22,3 дан 21,7 промиллега), Учқудуқ (26,8 дан 25,1 промиллега) туманларида камайгани кузатилди.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь-сентябрида ўлганлар сони 3135 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (2977 киши) нисбатан 158 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2015 йил январь-сентябрида – 4,3 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Конимех (4,3 дан 6,0 промиллега), Қизилтепа (4,0 дан 4,3 промиллега), Навбаҳор (4,5 дан 4,6 промиллега), Учқудуқда (4,5 дан 4,7 промиллега) кўпайгани кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 62,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 17,1фоизи - ўсма касалликларидан, 6,6фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари

¹⁾ дастлабки маълумот

касаликларидан, 4,5 фоизи - нафас олиш органлари касаликларидан, 7,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-сентябрида бир ёшга тўлмаган 135 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 8,8 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь-сентябрида 9,2 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 63,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 20,5 фоизи – нафас олиш органлари касаликларидан, 7,0 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 6260 та никоҳлар ва 749 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,0 та никоҳ (2015 йилнинг тегишли даврида – 9,5 та) ва 1,1 та ажралишлар (2015 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 9064 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 10420 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1356 кишига (2015 йилнинг шу даврида минус 1007 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Навоий шаҳрида (минус 1092), Хатирчи (минус 415), Конимех (минус 259) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 100,4 фоизга кўпайиб, 543,0 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 8931 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш

кидириб мурожаат этганлар Навоий шаҳрида (1884 кишига), Зарафшон шаҳрида (1532 кишига), Нурота (982 кишига), Учқудук (963 кишига), Хатирчи (817 кишига). Кармана (677 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 7485 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Зарафшон шаҳрида (1428 киши), Навоий шаҳрида (1331 киши), Нурота (882 киши), Хатирчи (749 киши), Учқудук (693 киши), Конимех (543 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 431 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

